



# TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

**КЎЗ ҚОВОҒИ ЭПИТЕЛИАЛ ЎСМАЛАРИНИНГ УЧРАЖ ДАРАЖАСИ (Хоразм  
вилояти мисолида).**



**Эсамуратов Ойбек Ибрагимович.**

Email: [esamuratovaybek@gmail.com](mailto:esamuratovaybek@gmail.com)

**Ражапов Адилбек Анварбекович.**

Email: [Odilbekrajapov333@gmail.com](mailto:Odilbekrajapov333@gmail.com)

[ORCID-0009-0009-0325-2709](https://orcid.org/0009-0009-0325-2709)

**Каримов Расулбек Хасанович.**

Email: [r.karimov.86@mail.ru](mailto:r.karimov.86@mail.ru)

[ORCID-0009-0009-0325-2709](https://orcid.org/0009-0009-0325-2709)

**Худайбергенов Гуломбой Ўринович.**

Email: [xudaybergenovgulomboy@gmail.com](mailto:xudaybergenovgulomboy@gmail.com)

[ORCID-0009-0002-3326-1795](https://orcid.org/0009-0002-3326-1795)

**Якубов Алибек Баходирович.**

Email: [yaqubovalibek1751@gmail.com](mailto:yaqubovalibek1751@gmail.com)

**Урганч давлат тиббиёт институти.**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Хоразм вилояти аҳолиси орасида кўз касаллиги орасида кўз қовоғи эпителиал ўсмаларининг учраш даражаси, клиник-морфологик хусусиятлари ҳамда таркибий турларини ўрганишга бағишланган бўлиб, тадқиқот материаллини 2024–2025 йиллар давомида вилоят ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида ташхисланган беморларнинг биопсия ва жаррохлик амалиётидан кейинги материаллари ташкил этди, шунингдек морфологик таҳлил гистологик ва стандарт бўяш усуллари ёрдамида амалга оширилди.

Олинган натижаларга кўра, кўз қовоғи эпителиал ўсмалари орасида базал ҳужайрали рак устун ўринни эгаллаши, ўсмаларнинг асосан кекса ёш гуруҳида ва куёш нурланиши юқори бўлган шахсларда кўпроқ учраши аниқланди. Шунингдек, ўсмаларнинг локализацияси, ўсиш хусусиятлари ва малигнизация даражасида ҳудудий ўзига хосликлар мавжудлиги қайд этилди. Тадқиқот натижалари кўз қовоғи ўсмаларини эрта ташхислаш, профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш ҳамда амалий офтальмопатология ва патоморфологияда қўллаш учун муҳим аҳамиятга эга.

**Мавзунинг долзарблиги:** Умуман олганда, куёш нурланиши, экологик омиллар, инсон организмидаги иммунитет пасайиши ва ёш омиллари ушбу ўсмалар ривожланишида муҳим аҳамиятга касб этади. Шу сабабли, эпителиал ўсмаларнинг морфологик ва иммуногистокимёвий хусусиятларини чуқур ўрганиш эрта ташхис ва самарали даволаш



# TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

тактикасини ишлаб чиқишда муҳим роль ҳисобланади. Бугунги кунда офтолмологик касалликлар ичида кўз қовоғи эпителиал ўсмалари барча кўз қовоғи ўсмаларининг тахминан 85–90 % ни ташкил қилади. Улар орасида яхши сифатли ўсмалар ҳам кўпчиликни ташкил этса-да, ёмон сифатли ўсмалар (айниқса базал ҳужайрали рак) клиник амалиётда тез-тез учрайдиган касалликлардан бири ҳисобланади.

Хоразм вилояти аҳолиси орасида кўз қовоғи эпителиал ўсмаларининг учраш даражаси, морфологик турлари ва клиник хусусиятлари бўйича тизимлаштирилган маҳаллий маълумотлар етарли эмас. Мавжуд тадқиқотларнинг аксарияти умумий статистик маълумотлар билан чекланган бўлиб, ҳудудий эпидемиологик ва патоморфологик ўзига хосликлар етарлича очиқ берилмаган. Бу эса ушбу касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволаш тактикасини ишлаб чиқишда муайян қийинчиликлар туғдиради.


Шу нуқтаи назардан, Хоразм вилояти мисолида кўз қовоғи эпителиал ўсмаларининг учраш даражасини, морфологик тузилишини ва клиник аҳамиятини комплекс ўрганиш долзарб ҳисобланади. Олинган натижалар эрта диагностика мезонларини такомиллаштириш, профилактик тадбирларни режалаштириш ҳамда офтальмологлар ва патоморфологлар учун амалий тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Хоразм вилояти аҳолиси орасида кўз қовоғи эпителиал ўсмаларининг клиник, статистик жихатдан ўрганиш.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари:** Тадқиқот материали сифатида кўз қовоғи ўсмалари билан жаррохлик амалиёти бажарилган беморлардан олинган биопсия ва жаррохлик амалиётидан кейинги материаллари ўрганилди.

**Тадқиқот натижалари:** Олинган тадқиқот натижаларига кўра, беморлар жинсга нисбатан ўрганили кўрилганда жами беморлар сони 95 нафар бўлиб, шундан 45 (47.3%) нафари эркаклар, 50 (52.6%) нафари аёллар эканлиги аниқланди 1-диаграммага қаранг.

**1-Диаграмма. Беморларнинг жинс бўйича учраши.**




Диаграммада кўриниб турганидек, касалликлар ичида эркакларга қараганда аёлларда юқори кўрсаткич қайд қилинди, яъни 53%.

Изланишлар давомида беморларнинг яшаш манзиллари ўрганилиб кўрилди ва Урганч шаҳрида 15 нафар, Урганч туманида 10 нафар, Хива шаҳрида 10 нафар, Хазорасп туманида 7 нафар, Питнак туманида 6 нафар, Хонка туманида 5 нафар, Боғот туманида 9 нафар, Янгиариқ туманида 7 нафар, Янгибозор туманида 9 нафар, Гурлан туманида 3 нафар, Шовот туманида 8 нафар, Қўшқўпир туманида 6 нафарни ташкил қилди 2-диаграммага қаранг.



2-Диаграмма. Беморларнинг шахар ва туманлар кесимида учраши.



2-диаграммада офтольмологик касалликлар ичида кўз эпителиал ўсма касалликлари бошқа шахар ва туманлар кесимида Урганч шахрида кўп учраган (15 нафар).

Умуман олганда, кўз қовоғи эпителиал ўсмалари ичида энг кўп учрайдиган тури базал хужайрали рак бўлиб, у асосан кекса ёшдаги беморларда кузатилди. Яхши сифатли ўсмалардан папиллома, кератоакантома ва себорей кератозлар устунлик қилди 3-диаграммага қаранг.

3-Диаграмма. Офтольмологик касалликларнинг учраши.



3-диаграммада кўриниб турганидек, кўз касалликлари ичида базал хужайрали рак касаллиги кўп учраганлиги аниқланди (40 нафар).

**Хулоса:** хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, 1. Кўз қовоғи эпителиал ўсмалари орасида базал хужайрали рак энг кўп учрайдиган ёмон сифатли ўсма ҳисобланади. 2. Олинган натижалар клиник амалиётда дифференциал ташхис ва даволаш тактикасын такомиллаштиришга хизмат қилади. 3. Олиб борилган тадқиқот натижалари Хоразм вилояти аҳолиси орасида кўз қовоғи эпителиал ўсмаларининг учраш даражаси юқориликни ва ушбу патологиянинг муайян клиник-морфологик ҳамда эпидемиологик хусусиятларга эга эканлигини кўрсатди. 4. Кўз қовоғи ўсмалари орасида эпителиал келиб чиқишли ўсмалар устун ўринни эгаллаб, уларнинг катта қисмини базал хужайрали рак ташкил этди. Бу ҳолат



# TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

худуднинг иқлимий шароити, айниқса қуёш нурланишининг юқори даражаси билан боғлиқ бўлиши мумкин. 5. Тадқиқот жараёнида ўсмаларнинг асосан кекса ёш гуруҳида кўпроқ учраши, шунингдек, куйи кўз қовоғида локализацияланиши аниқланди. Малигн ўсмаларнинг клиник жиҳатдан узоқ вақт давомида секин ўсиши, эрта босқичларда симптомларнинг кам ифодаланиши эса кеч ташхис қўйилишига олиб келаётган муҳим омиллардан бири эканлиги қайд этилди. 6. Олинган натижалар кўз қовоғи эпителиал ўсмаларини эрта ташхислаш, морфологик текширувларни мажбурий қўллаш ҳамда профилактик кўрикларни кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Тадқиқот хулосалари амалий офтальмология ва патоморфологияда, шунингдек, ҳудудий онкологик хизмат фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

## Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов Р. Х., Мусаев У. М., Рузметова Д. Т. ЯТРОГЕНИЯ НА ПРИМЕРАХ ИЗ ПРАКТИКИ (По данным лет обзор) //International conference on multidisciplinary science. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 10-12.
2. Sabirjanevich YB, Khasanovich KR, Safarboevich RS. RELATIONSHIP OF OTHER TYPES OF DISEASES WITH EYE DISEASES. МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА. 2024;2(1):29-35.
3. Sabirjanevich YB, Khasanovich KR, Tulibaevna RD, Safarboevich RS. RATE OF GLAUCOMA IN PENSION AGE CITIZENS (2023 in the example of the city of Urganch). International Journal of Alternative and Contemporary Therapy. 2024;2(1):4-7.
4. Эсамуратов, О., Раджапов, А., Каримов, Р., Худайбергенов, Г., & Якубов, А. (2026). КЎЗ ҚОВОҒИ ЭПИТЕЛИАЛ ЎСМАЛАРИ. INTERNATIONAL CONFERENCE ON MEDICINE, SCIENCE, AND EDUCATION, 2(10), 259–260. <https://doi.org/10.5281/zenodo.18175889>
5. Esamuratov, O., Radzharov, A., Karimov, R., Khudaibergenov, G., & Yakubov, A. (2026). EPITHELIAL TUMORS OF THE EYELID. -, 3(1), 8–9. <https://doi.org/10.5281/zenodo.18224724>